

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 11 (65887)
1996 йил, 17 февраль, шанба

Сотувда
эркин нархда

«Ватанимиз келажиги ешлар қулида, унинг бақувватлигию кўркамлиги, эллар аро дoston булиши уларга боғлиқ», дейишади катталар биз ҳақда. «Шундай экан, билимларни, фан-техника асосларини чуқур эгаллаш, тил урганиш, хуллас яхши ўқишимиз шарт», дейишади пойтахтимиздаги 276-урта мактаб ўқувчилари.

КУТУБХОНАДА

Китобхонларнинг навбатдаги йигилиши бобокалонимиз Амир Темур тўйига бағишланган кеча олдидан бўлди.

Нодира ўзи тайёрлаган альбом ва ундаги суратлар, соҳибқирон ҳақидаги матбуотда эълон қилинган мақолалар туплами, мактаб фотоҳаваскорлари суратга олишган Амир Темур хиёбони нусхаси ва бошқалар ҳақида гапирди.

Саиджон «Темур тузуклари»дан ёд айтиб берди. Сайёра ўзи ёзган шеърлардан намуналар ўқиди. Муаллима Насиба опа Шорахметова, кутубхоначи Манзура опа Тулаганова эса шогирдларининг ютуқларидан қуво-



ҳайрон. Бутун диққат-эътиборини ўқитувчи айтган сўзларга қаратганданми ё бошқа сабабми шу ишланган темани у жуда пухта ушлаштириб олди. Орадан икки ойча утар-утмас Шавкат синфнинг энг олди ўқувчисига айланди.

Муаллима Клара опа Соатова дарс утишининг ана шундай ўзига хос — ўқувчининг диққатини ўзига қарата олиш усулидан фойдаланади. Болалар у раҳбарлик қилаётган «Ёш математиклар» тугарига бажонудил қатнашиш билан бирга математика олимпиадаларида ҳам фаолдирлар.

ЛОТИН АЛИФБОСИ ҚИЙИНМИ?

Мавлуда ўзича хотиржам эди. «Э, лотин алифбосими, бир икки кунда урганиб оламан, унча қийин эмас» деб ўйларди.



МАҚСАДИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

гирдларим» деган сўздан булак ҳеч нарсани тушуна олишмади. Синфдошлар дарсдан кейин қолиб таржима билан шуғулланишди. Роса тер туқишга тўғри келди. Анчагина вақт сарфлашгани етмагандек бир қанча лугатларни қарашга, ҳатто инглиз тили ўқитувчиларидан ёрдам сурашларига тўғри келди. Ниҳоят,

топширилган вазифани урдасидан чиқишди. Шуниси қувончли эдики, мактуб баҳона болалар инглиз тилидаги бир қанча сўзлар, ҳатто кичик-кичик гапларни ҳам урганиб олишган эди.

Тажрибали инглиз тили ўқитувчиси Клара опа Камолованинг ўқитиш усуллари ана шунақа, ранг-баранг, у гоҳ савол-жавоб билан болалар диққатини тортса, гоҳ магнитофон ёрдамида, гоҳ тўғридан-тўғри топишмоқлар бериб дарс утади. Шунинг учун ҳам бу ерда чет тилига қизиқувчилар кўп.

МАТЕМАТИКА ХОНАСИДА


Бир воқеа Шавкатни сира эсидан чиқмайди. Авваллари у математи-

ка дарси деса юраги безилларди, ҳатто тушларида ҳам доска ёнида қизариб турарди. Шоира опа ўқитадиган мактабга келдию, унда узгариш пайдо бўлди.

Бир кун муаллима доскага мисол ёздирдию, унинг шартини, қонун-қоидасини ҳам ўзи айтиб бера бошлади. Яъни Шавкат ёзар, устоз айтиб турарди. Мабодо ёзишдан тўхтаб қолса «Қани, Шавкатжон, энди давомини ёзмизми?» дерди. Шавкат

Лекин у факультатив машгулотларда бир-икки қатнашдию, ўзи уйлаганчалик осон эмаслигини сезди. Яъни «ш», «нг», «х» билан «ҳ»ларнинг ёзилишини баъзан эсидан ҳам чиқариб қўйди. Буларни урганишда «Алифбо сабоқлари» ёрдам берди. Ҳатто у ўзича диктант ҳам ёзиб кўрди. Чакки эмас.

— Лотин алифбосини урганиш қийин эмас, фақат озгина кунт ва меҳнат керак, — дейди Сайёра.



ниб, камчиликларини қандай тузатиш ҳақида тушунтиришди.

ЧЕТ ТИЛИ ХОНАСИДА

Инглиз тили муаллимаси Клара опа Камолова дарсни тугатиб чиқиб кетгач, болалар стол устидан бир хат топиб олишди. Узундан узок мактубдан ўқувчилар «Азиз шо-



— Тўғри айтасан, — дугонасининг гапларини тасдиқлайди Наима.

— Ургансанг, ҳаракат қилсанг, қийинлиги йўқ, — дейди Шокир.

Болалар ҳақ эди.

Барно ЮНУСОВА.

Суратларда: мактабда машгулотлар давом этмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ҳасан ака қаттиқ оғриқ азобидан уйғониб кетди. Беморнинг безовта инграётганини курган ҳамшира қиз охиста шивирлади: «Узига келди!» Сунг касалхона шифокори ҳузурига ошиқди. Ҳасан ака кузларини очиб, узининг қаерда эканлигини англамоқчи бўлди-ю бунинг уддасидан чиқа олмади. Кузлари очилиш урнига янаям қаттиқроқ оғриб кетди. Қасрим оғрияпти узи? Бошимми е?... Куллари билан пайпаслаб курди. Шундагина икки кузи боши аралаш боғланганлигини пайқади. Хонага ҳалиги ҳамшира қиз билан бирга тун буйи мижа қоқмаганидан кузлари қизариб кетган, толиққан, ранг-руйи синиққан ҳарбий шифокор кириб келишди. Безовта булаётган беморнинг енига утириб, охиста қулини қисди. «Бардам бул йигитча, ҳаммаси яхши булади» дея далда бергандек булди титроқ товушда. Шиддатли жанглардан бирида оғир ярадор булгани, госпиталга тушгани, кузларини операция қилишга турри келгани ҳақида гапириб берди. Шифокорнинг гап оҳанги-ю далдаларидан кўз-



ларининг ожиз булиб қолганини англаган Ҳасан ака учун ҳаёт тухтаб қолгандек булди. Ҳаммаси тамом! Энди яшашнинг қизиғи ҳам йуқ. Урушдан олдин туқимачилик комбинати қошидаги «Қизил жамият» деб номланган спорт жамиятида, кейинчалик «Спартак» жамиятида қатнашиб юрган кезлардаги қилган ошпоқ, беғубор орзуларининг бари саробга айланди.

Мусобақаларда қатнашиб, энгил вазиллар орасида шаҳар чемпиони булганди ушанда... Кейинчалик Сталинград, Орел, Курск, Москва шаҳарлари учун булган жангларда гвардия катта лейтенанти, оғир пулемёт командири булиб хизмат қил-

ган чоғларида ҳам бир муддат буш қолдим, оғир-оғир темирларни кутариб машқ қила бошларди. Қанчадан-қанча қилган тинимсиз меҳнатлари зое кетадиган булди...

Ҳасан ака шундай тушкун кайфият билан уйига қайтди. Ҳатто жонига қасд қилмоқчи ҳам булди-ю, шайтонга хай берди. Шундай кунларнинг бирида узининг биринчи тренери Мукурдимян Мито Азаровични йуқлаб борди. Собиқ шогирдидаги тушкунликни куриб, устози унга далда берди:

— Мени ҳалиям узингга устоз деб билсанг, айтганларимни қиласан. Биргаликда

машқ қиламиз. Таслим булишни ҳаёлингга ҳам келтирма!..


Устозининг энгил койиб қилган насиҳатлари сабаб Ҳасан ака дунёга қайта келгандек булди. Ҳаётга, яшашга, янги-янги юқори курсатгичлар яратишга булган иштиёқи ортгандан орта борди. Тинимсиз машқлар уз самарасини берди. 4 маротаба оғир атлетика мусобақалари буйича энгил вазиллар орасида Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор булди. 1947 йилда собиқ Туркистон Ҳарбий округи қумондони, армия генерали Петров унинг қулини қаттиқ сиққанча самимий қутлаб, машина совға қилгани отанинг ҳамон едида.

Ҳасан ота кейинчалик спорт билан шуғулланишни канда қилмаган ҳолда курлар жамиятига ишга киради. Тошкент вилояти курлар жамияти, шаҳар курлар жамиятига раислик қилади. Тинибтинчимас, илмга чанқоқ инсон Ҳасан ота 1959 йилда Низомий номидаги педагогика

олийгоҳи тил ва адабиёт куллеттида кечки булимда таҳсил олди. Оила курди, бола-чақали булди. Тунгич угли Махаммадамин ота изидан кетган, эндиликда спорт усталиги номзоди. Уртанча ва кенжа уғиллари Аббос ва Раҳимжонлар ҳам спортнинг футбол, волейбол турлари билан шуғулланишади.

20 нафар невара, 5 аваранинг суюкли бобоси Ҳасан ота ҳаётда нимагаки эришган булса, барчасига уз меҳнати, сабот ва матонати туфайли эришди. Инсон уз бахтини узи яратади, деганлари шу булса керак-да!

Феруза ЖАЛИЛОВА.
Суратда: Ҳасан ота набиралари даврасида.
Р. АЛЬБЕКОВ туширган сурат.



Дам олиш куни эди. Мадиҳабону уйқудан кузини очиши билан бугунга мулжалланган юмушлари эсига тушиб кунгли хира тортди.

— Шунча ишни қачон қилиб буламан, — эринчоқлик билан узини қайта уринга ташлади у.

Бир оз утгач, хушёр тортди. «Ие, шундай

Қандолат онанинг

алфозда ётсам кечгача бирор нарса ҳам қила олмаслигим мумкин-ку» дея даст урнидан турди. Хиргойи қилганича аввал уйни йиғиштирди, кейин кир ювди, бу орада сабзи-пиёз қовуриб, қозонга сув солди-да, милдирадиб қайнатиб қуйди, дуконга чиқиб келди, дазмол қилди, дераза ромлари, ойналарини артди.

Айтилган ишларнинг барчасини бажариб булганда вақт эндигина пешиндан оққанди. Бироқ қизалоқнинг гайрати ҳамон жуш уриб турарди. «Яна нима иш қилсам экан?» дея у ёқ-бу ёққа қаради-ю, яна бош ювиш, дарсхонасини тартибга келтириш зарурлигини пайқади. Вужудидаги эрталабки эринчоқликдан асар ҳам қолмаганди. «Шунга айтсалар керак-да, куз кўрқоқ, қул ботиб деб» уйлади у энг сунгги юмуши — ойиси учун туқий бошлаган ва битишига оз қолган камзулни қулига оларкан.

Мадиҳабону болаларнинг энг каттаси, юқори синфда ўқийди, онасининг энг яқин кумакчиси, укаларининг дусту ва маслаҳатгуйи.

ФАЗЛИДДИН

Ешлигида курашчи полвон булган Умурзоқ бобо ҳали ҳам бақувват, унча-мунча одамни кураш тушса йиқитади. Фазлиддин чорбоққа чиқса тунка ёраётган бобо уни имлаб қақирди.

— Қарашиб юборайми, бобо?

— Йуқ, ҳали чарчаганим йуқ, тунка ёришни биласанми?

Фазлиддин нима деярини билолмади.

У бобонинг ишини кузатар экан, тобора қизиқиши ортарди. Чунки бобонинг қулидаги болта утинга зарб билан ҳар урилганда пукак сингари иккига ажралиб кетар, мабодо ажралмай қолса, болтанинг орқаси билан

Аълочилар оиласи

тункага бир урса шу заҳоти шарт булинарди. «Тавба, шунча ёшга борган одам хаҳ демайди-я» ҳаваси келди унинг.

— Сизлар ҳам усяпсизлар-да, хом булиб ҳаракат кам, овқат ейсиз, ётасиз, соатлаб телевизор кўрасиз, буларнинг ҳаммаси зарар, — боланинг фикрларини уққандек деди бобо.

Фазлиддин ёрилган утинларни тандирхонага олиб кириб тахлагунча Умурзоқ бобо йигит кишига етмиш хунар озлиги, қанча куп қасб



урганса зарар қилмаслиги ҳақида узоқ гапирди. Унинг одати шу. Ёши улуг кишиларнинг, ота-онасининг насиҳатларига дарров амал қилади. Дурадгорлик, расм чизиш касбларини урганиш билан жиддий шуғулланмоқда.

ХУЛКАР

Қандолат она Хулкарнинг туғилган кунига чиройли куйлак тиктириб берди. У кийиб куриб роса севинди.

— Қизалогим, мана бу пулни тикувчи опангга ташлаб келгин, «Раҳмат, қулингиз дард кўрмасин, дедилар аям» деб қуйгин.

Хулкар қулидаги пулни маҳкам тутганича борар экан, уйларди: «Мақтабда бичиш-тикиш тугараги булса, ахир шунга қатнашиб, тикув-

чиликни урганганимда узим тикардимку, онам ортиқча пул ҳам сарфламасдилар».

У шундай ҳаёллар билан тикувчиникига бориб қайтди.

— Болажоним, хунар урганаман, дейсану, йуқ дейманми, бемалол тугаракка аъзо бул, керакли матолар, ип, игна, ҳаммасини олиб бераман, — деди она қизалогининг сузларига жавобан.

Орадан икки-уч ой утганда Хулкар бемалол узига, дугоналарига турли кийимлар тикадиган булди.

АСЛИДДИН

Кенжатай Аслиддиннинг орзуси — шифокор булиш. У инсонларни халқ табобати йули билан, яъни доривор гиёҳлар ёрдамида даволаш иштиёқманди. Баҳор бошланди дегунча қир-адирларга чиқиб, жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз, чумчуққузи сингари утлардан йигиб келади. Кузда эса доривор гиёҳлардан туплаб, ҳар биридан намуналар танлаб қурилади. Биттадан вараққа ёпиштириб, тагига номи, хусусиятлари, нималарга даво эканлигини ёзиб қуяди. Билмаганларини кекса боболар, момолардан сурайди. Ҳатто оилада кимнингдир боши оғриб қолса, йутал, тумов булса, дарров даволайди.

ҚАНДОЛАТ ОПА

Юқорида ҳикоя қилганимиз турт эркатой — аълочи, ақлли, одобли болаларнинг онаси Қандолат опа Абдуллаева Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги 11-мақтабда 16 йилдан буён биологиядан дарс беради. Меҳрибон, меҳри бор муаллим. Шогирдларини ҳам уз фарзандларидек аълочи, одобли, Ватаннинг муносиб

Турт эркатой

уғил-қизлари булиб улғайишлари учун ҳаракат қилмоқда. Бу юмушда сира чарчамасликларининг тилакдошимиз.

Муҳаббат МАКСУДОВА.

Суратда: Қандолат она ўғли Аслиддин билан.

Куванинг Марҳаматдан Қирғизистон томон элтувчи катта йули ёқасида «Қайрағоч» деб аталувчи қишлоқ бор. Саксон ёшли Нурбобо, 75 ёшли Буойша момо шу ерлик. Улар қишлоқ одамларининг энг яқин масалаҳтгуйи. Бефарзанд булсалар-да, хонадонлари ҳеч қачон болачақалардан холи бўлмади. Сабаби, бобо эртагу дostonларни жуда кўп биладилар.

— Болам, уша Тошкан томонларда асли олмослик Султон Жаббор деган шоир йигит бор, шунга бир энлик хат ёзиб берсам, элтиб берасанми, қарзим бор эди.

— Ҳа, у киши билан етмишинчи йилларда бирга ишлаганмиз. Фақат ҳозир уларнинг иш жойини ҳам, уйлари ҳам билмайман, ахтариб қураман.

— Бирга ишлаганмиз, — дейсанми, тузуксану, унинг боғбон Ризамат ота ҳақидаги дostonини болаларга айтиб берувдим, саволларга кумиб ташлашди, дostonдан улар завқу шавқ олибгина қолмай, токни қандай парваришлас, симбағазларни қандай боғлашни, қандай хомток қилинишини ҳам билиб олдилар. Ҳалиги, «1989 йилнинг энг яхши китоби» совринини олган «Қувонч» китобидаги шеърларнинг ярмини ёд олишган. Ҳа, бу гапларни нега айтипман дегин, шу йигитнинг тунғич фарзанди уттиз ёшида мустақил давлатимизнинг мукофотини олибди. Тoleи баланд ота экан. Яна нима учун дегин, Амир Темур ҳайкали учун. Мустақиллик байрамида Журавой оқсоқол уша ҳайкални томоша қилгани Тошканга бориб келди. Угли олиб борибди. «Ҳайкални келбатини қуриб, қулогимга отлар дупури, соҳибқиронимиз йигитларининг наъраси эшитилгандек булди» дейди. «Бундай кунларга бизлар етамиз деб уйламагандим», дейди.

Нурбобо Султон Жаббор ва унинг ўгли Камол ҳақида жуда кўп саволлар берар, бироқ мен унинг саволларига туликроқ, тайинлироқ жавоб топиб беролмаганимдан ҳижолат чекардим.

ЎГИЛНИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД ОТАСИ

Кетмоннинг юзини қайроқтош билан текислаётган Жаб

Болалар шоири Султон ЖАББОР деярли 40 йиллик ижодий фаолиятини болалар учун асарлар битишга бағишлаган, кўнгли беғубор ва самимий, камтару меҳнаткаш, камсукуму қалби нозик инсон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Боғлар кўшиғи», «Куёш қолди далада», «Севиниб яшайман», «Офтобнон» сингари ўндан зиёд китоблар муаллифи. Миришкор деҳқону, шоиртабиат Жаббор отанинг ўгли. Ҳайкалтарош, Давлат мукофоти соҳиби Камолжон, алоқа муҳандиси Жамолжон, Умидахонларнинг меҳрибон падари бузруквори. Ушбу кичик лавҳамизга Султон Жабборнинг ҳаётидаги болалар учун қизиқарли бўлган айрим лавҳалари асос қилиб олинди.

БОЛАЛИККА ЭДИК ИНСОН

бор ота буйи тенги қопни орқалаб келаятган ўгли Султонбойга кўзи тушдию, «Ташла қопни, ташла» деганича унинг олдига югуриб келди.

Бола булса отасининг ҳолатидан, меҳридан ҳузур қилганича юкни ерга қуйишга имилларди.

— Оғир кутарма, буйинг усмай қолади, деб неча марта айтдим, — деганча ота юкни тортиб олиб оғилхона томон юриб кетди.

Жаббор отанинг ўглини аяшининг биринчи сабаби Султонбой ун фарзанд орасида бир ўзи «ушоқроқ экани булса, иккинчи, энг муҳим сабаби, унинг шоирлиги эди. Мабодо Султонбойга онаси ёки акалари бирор юмуш буюришса, ота дарҳол унинг қулидан олар, «Бор болам, китобингни ўқи, шеърингни ёз» дерди.

Дастлабига шунчаки эрмакка машқ қилиб юрган, аслида жониворлар ҳаётига қизиққан Султонбой падари бузруквори туфайли шеърятга жиддий қарай бошлади. Ҳаммадан ҳам унга таъсир қилгани бир куни Жаббор ака ўзи тенги деҳқонга: «Энди Бозорвой, биззи ўгил шоирликка берилиб қолди. Кечасию кундузи ёзгани ёзган. Жа, Навойи чиқмасаям кичикроқ бир шоир чиқиб қолар, қизиқиши сўнмасин деб бошқа ишларга чалғитмаяпман» дегани эди.

Отанинг сузлари-

даги меҳр ва фахр, соддалик, самимийлик фарзандни тулқинлантириб юборди. Бироқ унинг шеърлари газёта-журналлар саҳифаларида тез-тез қурина бошлаган

вақтларда ҳам хаёлини жониворлар дунёси, табиатга булган қизиқиш тарк этмасди. Шеърларининг купчилиги табиатга бағишлангани ҳам шундан булса керак.

Энди отада ҳам ўгилга нисбатган талаб узгара борди. Жаббор ота аввалига: «Болам, китобингни ўқи, шеърингни ёз» деган булса, энди

«Мана бу шеърни юракдан ёзибсан, мана бунисига эринчоқлик қилгансан, зурма-зураки чиққанми, купроқ меҳнат қил, ўқиган одам завқлансин» дерди.

ОТАСИНИНГ МУНОСИБ ЎГЛИ

У олийгоҳни сиртдан битирганда аллақачон болалар шоири — Султон ЖАББОР, «Ленин учқуни» газетасининг адабиёт ва санъат булими мудир эди.

Нурбобо айтгандай уттиз ёшида соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳайкали учун давлат мукофоти совриндори булган Камол Жаббор отаси сингари камгап, бобосидек интилувчан, амакиси — хизмат кўрсатган санъат арбоби Илҳом Жаббордек иқтидорли чиқди.

Нурбобо алқаган, дуо қилган, толеи баланд отанинг муносиб ўгли Камол Жабборов...

... Урта мактабдан сунг Беньков номидаги машҳур мусавирлик билим юрти, сунг Ленинграддаги Репин номли бадий академия битирувчиси, ҳайкалтарош.

1966 йил. Камолжон уч ёшда эди ушанда. Унга овқат емаслик учун баҳона топилса булгани. «Ойижон, ошингизда сабзи кўп экан, емайман»

деди-ю, у жарлик билан дасининг ижодхонасига кириб эшикни ёпди. Айтгандай, бу ерга кириш хонадондаги бирор киши учун ҳам

ман этилмаган эди. Ота-онанинг ялиниб ёлворишлари, эркалалари қор қилмади. Бола ҳар галгидай пластилиндан ҳайкалчалар ясашга киришди.

Шу пайт уйга Беньков номли билим юрти толиби, Камолнинг амакиси Илҳомжон кириб келди.

— Ака, шу ўглингиздан келажакда бирор истеъдод чиқиб қоладиёв, чунки унда учинчи — санъаткорлик кўзи ҳам бор, — деди жиддийлик билан.

— Айтганинг келсин, ука, қани энди шундай булса, — ҳазил аралаш деди Султон ака.

Бироқ ука жиддий эди. Бир вақтлар келиб шу жажжи қўли гўдак жияни узига шогирд булишини ҳис қилганди. Орадан йиллар утиб устоз-шогирд унлаб, юзлаб тарихий китоблар варақаларини бирга титқилашди, буюк Амир Темур битикларини ҳижжалаб ўқиб, ҳаётини қизиқиб урганишди. Унинг сиймосини яратишда неча-неча тунларни бедор утказишди, бутун меҳру муҳаббатлари, миллий гурур, қўш эътиқодлари билан улуг бобокалонимиз сиймосини яратишди ва бу иш бутун элга маъқул булди.

Нурбобонинг омонат мактубини эгасига топширдим. У шоирни қишлоғига таклиф этибди. «Ёзда Олмосга келганингда Фаргона ҳам бир қаддам, келгин. Адирдаги боғимга, Каркидонга олиб чиқаман, қишлоғимиз болалари билан шеърхонлик қиламиз. Улар орасида шоирлари ҳам бор. Ҳаммамиз мунтазирмиз» деб ёзганди табаррук бобо.

Шоир хатни ўқиб чехраси еришди. Унинг кўнгли тоғдай кутарилган булса-да, одатича ҳиссиётини яширишга уринди.

Турсуной ҲАМИД қизи.

Султон ЖАББОР

ХОМХАЁЛ

Орзулайман нима учун?
Ҳаёл сургим тежаб кучим!
Кўп нарсани хаёл қилиб
Орзиқадидил интилиб...

Ҳаёл суриш асли текин,
Бир чатоғи бор-да, лекин.
Фақат ётиб қилмоқ орзу
Дангасалик, уят, ор-ку.

Эришмоқлик қийин жуда,
Орзулайман ётиб шундан.
Чунки хаёл, орзу-армон
Қиммат эмас, жуда арзон.

Етай десанг орзу-уйга
Амал қилиш йулин уйла.
Орзуламоқ яхши ҳолдир,
Меҳнатсиз у хомхаёлдир.

АҚЛИ ЕТИМАС

Ҳатто мол ҳам озодликка интилар,
Тортиб кўрар бир-икки бор қозикни.
Арқонини узолмаса не қилар?
Ноилождан чимчийди ўт-озуқни.

Мол қозикнинг атрофида айланар,
Ақли ожиз ўзга тадбир-чорага.
Инсон эса доим кўкка шайланар,
Эрк деб яшар ақли, кучи бор экан.



БУЮК ТУРОН ФАРЗАНДИ

Қорбўронда голибман
Уйга яёв шайланиб.
Оппоқ бўлиб қолибман
Қорбобога айланиб.

Ўсган сари бўйингиз,
Гуллар орзу-тиллақлар.

Неваралар чўзар қўл,
Қорбобоман қопи йўқ.
Аммо дилда совғам мўл,
Сўзимнинг ҳеч лопи йўқ.

Кўрманг сира ёмонлик,
Эзу бўлсин аҳдингиз.
Юртда тишчилик, омонлик,
Очилади бахтингиз.

Гап шундаки, ҳамма гап,
Совғам — шакар сўзларим:
Етиб-ортар ҳаммага,
Тингланг, қора кўзларим!

Ҳой, эркатой қувноқлар,
Сизлар эл-юрт эртаси,
Эрк байроғин ардоқлаб,
Келажакка элтасиз.

Ўссин ақл-уйингиз,
Нурга тўласин юраклар.

Бўлар халққа муносиб
Буюк Турон фарзанди.
Оталар ўрнин босиб,
Донг таратар мард, танити!

Ҳеч бир киши ота-онанинг фарзандлардаги ҳақини инкор этолмайди.. Ота-она боланинг вужудга келиши сабабчиси булгани учун ҳам уларнинг фарзандларида ҳақлари бор. Ота-она болани ешликдан ардоқлаб-авайлаб устирадilar, унинг роҳати учун қайғурадilar ва у ухлар.

● Тарбия чироқлари

қунларда улар каби булиб қоласан. Сен улар каби ота ёки она буласан ва болаларинг олдида сен ҳам, агар умринг боқий булса, кексаёсан ва болаларинг ёрдамига муҳтож булиб қоласан.

Агар сен уз ота-онангга хизмат қилган бўлсанг, сен ҳам қариганингда болаларинг хизматини курасан.

...“Ота-онага хизмат

қилгайсан”...


син, ором олсин, деб узлари кечаларни бедор утказдилар.

Қуръони Каримда: «Инсонга ота-онанинг хизматини адо этишни буюрдик, онаси уни кундан-кун оғирлашиб бораётганида машаққат билан уз қорнида кутарган, сут эмизиш даврида эса икки йил, мента ва ота-онангга шуқр қил ва менинг ҳузуримга қайтарсан», дейди. Бундан кейин икки йил давомида она уни не машаққатлар билан устириб катта қилган. Ота эса фарзанд есин-ичсин, деб меҳнат қилган, боласи ҳеч нарсани тушуниб етмаган вақтда уни туғри йулга бошлаган, ардоқлаб устирган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ота-онани ҳурмат қилиш ва уларнинг қадрига етишга буюради. Фарзандга одоб-ахлоқ ургатиш, уни касб-хунарли қилиб тарбиялаш, балогатга етса, қиз булса қуввага узатиш, угил булса уйлантириш каби сермашаққат вазифаларни бажаради. Ота-она узи емаса ҳам топанганин катта қисмини боламга булсин, деб асраб қуяди. Бундай яхшилиқларни агар фарзанд тушуниб етмасе гуноҳкор булади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «Парвардигоринг ҳукм чиқардики, фақат Унга ибодат қилгайсан ва ота-онага яхшилиқ қилгайсан, агар улардан бири ёки иккови сенинг ҳузурингда кексайиб куч-қувватдан кетсе, уларни жеркма ва малол олма. Яна, уларга мулойим ва юмшоқ суз айт, раҳимдиллик юзасидан улар олдида камгаринлик қил ва «Кичиклигимдан мени тарбия қилганлари каби парвардигор уларни уз раҳматингга ол» деб дуо қил», дейди.

Ота-онанинг ҳақларини бажо келтириш эса уларга хоҳ суз билан, хоҳ феъл билан яхшилиқ қилиб тур, хоҳ ашъ, хоҳ гап билан уларнинг дилларини шод қилиб тур. Улар бир ишга буюрсалар, агар гуноҳ иш булмасе ва ундан сента зарар тегмасе дарҳол бажаргайсан. Агар касал булиб қолсалар ва ожизланиб қолсалар, уларни оғир олмагайсан. Чунки узинг ҳам тез

Агар кимки уз ота-онасига оқ (гуноҳкор) булган булса, унинг болалари ҳам унга оқ буладилар. Чунки Ҳадиси шарифда айтилганки, «Кимки бировга зиён қилган булса, узи ҳам бир кун шу зулмага учрайди».

Ота-онага яхшилиқ қилишни ва уларнинг хизматларини адо этишни Расулulloҳ салоллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ йулида қилинадиган газот (жиход) билан тенглаштирганлар. Пайгамбаримиз салоллоҳу алайҳи васаллам кунларнинг бирида саҳобалар билан куча буйида утирган эканлар, бир норгул йигит утиб қолибди. Саҳобалар «Бу йигит шунча савлати билан жиходга борсе Аллоҳ йулида хизмат қилган булар эди» дейдилар. Расулulloҳ «Агар бу йигит қариган ота-онанинг хизматини қилиш учун жиходга чиқмаган булса ҳам, Аллоҳ йулида газот қилганлар билан баробардур» дедилар. Бундан куруниб турибдики, ҳар бир фарзанд ота-онанинг хизматини бажо келтирсе, Аллоҳ йулида Исом учун хизмат қилаётган фозиллар билан баробар ажр ва савобга эга булар экан. Расулulloҳ «Ота-онага яхшилиқ қилиш Аллоҳга маъқул булган амалдир» дейдилар. Ота-онаси улиб кетганлар ҳам уларга истигфор айтиш, улар ҳақиқа дуо қилиш, аҳд ва ваъдаларни бажариш, дусларини ҳурмат қилиш ва қариндошлар ораларини яхшилаш билан фарзандлик бурчларини уташади.



ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

Илм ва хунар урганишдан асло тортинма. Илм сени ёмон йуллардан, беъмани ишлардан қайтаради, одобли ва етук киши қилиб тарбиялайди. Мурод ва мақсад эшиги илм калити билан очилади. Шоиригимиз Хукандий айтади:

Талаб беҳуда қилма узгадан матлаб топилмайди

Агар оқил эрсанг, жон болам, илму-хунар иста.

Ота-онангни иззат ва ҳурмат қил, уларнинг дилларини оғритма. Уйдаги ака-ука, опасингилларингга меҳрибон бул. Қариндош-уруғларингдан меҳмондустлик ишларини узма,

меҳр-шафқат иморатини бузма.

Шоир Мирзо айтади:
Яхши ном истар оламда, эй угил,

Жону дил бирла бу ҳикмат сузни қилгил қабул.

Узингдан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат қил. Одоби, илмли кишилар билан суҳбатдош бул, улардан фойдалан. Шундай қилсанг яхши ном билан шуҳрат қозонасан. Шоиримиз Хувайдо деди:

Сақлагил бир яхши от узингга, асло улмасин,

Эй, Хувайдо, сақлагунча йилқида минг яхши от.

Соғлиқ-саломатликнинг қадр-қимматига ет. «Поклик — саломатликнинг гарови» деб бежиз айтилмаган. Кийим-кечакларингни ва уқув асбобларингни пок ва тоза тут. Ана шунда ҳар хил касалиқларга йулиқмайсан. Шоир Абдулла Авлоний айтади:

Англа углим олам аҳли яхши кургай покни,

Поклик ортиртгувсидир фаҳм ила идрокни.

Асло мақтанчоқлик қилма, узингни узинг унутма. Шоир Хувайдо айтади:

Улуғлик айлама зинҳор, узингни камтар тут,

Бировда булса бу хислат ажаб фароғатдур.

Ш. ЗУННУН

...Кимки ота-онанинг ризолигини олган булса қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

...Ҳеч бир ота уз фарзандига ҳулку одобдан кура буюкроқ мерос беролмайди.

...Ота-онаси қаргагани Тангри қаргайди. Тангридан бошқага атаб жонлиқ суювчиларни Тангри лаънатлайди.

МУҚАДДАС «ҲАДИС»ДАН САТРАЛАР

...Отага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш — Тангри олдида гуноҳкор булиш билан баробардир.

...Уч тоифа кишилар борки, улар жаннатга кирмагайлар:

1. Ота-онасига оқ булган фарзанд.
2. Ичкиликка муккасидан кетган киши.
3. Берган хайру эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи одам.

...Уч хил дуо бордурки, улар шаксиз мустажоб булгай:

1. Ота-онанинг фарзанд ҳақиқа қаргаб туриб қилган дуоси.
2. Мусофирнинг дуоси.
3. Мазлум кишининг дуоси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(маъсул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -077. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топириш вақти 19.00. Топирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Маълумоти: 700083,
Ташкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25